ООДИ КУТУБХОНАСИ – ЭНГ ОММАВИЙ КУТУБХОНА



Жорий йилнинг 27 август куни Хелсинки марказий кутубхонаси Ооди Афинада бўлиб ўтган Кутубхона ассоциациялари ва муассасалари халқаро федерациясининг (ИФЛА) Бутунжаҳон кутубхона ва ахборот конгрессида «2019 йилдаги энг оммавий кутубхона» мукофотини қўлга киритди. «Йилнинг энг оммабоп кутубхонаси» мукофоти ҳар йили яқин орада қурилган ёки илгари кутубхона мақсадларида фойдаланилмаган биноларда ва хоналарда ўрнатилган оммавий кутубхоналар учун тақдим этиб келинади. Бу йил ушбу мукофот учун дунёнинг 16 та кутубхонаси давогарлик қилди.

Танловда иштирок этган кутубхоналар қаторида Австралиядаги Яшил майдон кутубхонаси (Green Square Library) ва Plaza, Голландиядаги Bibliotheek LocHal ва Янги Зеландиядаги Марказий Туранга-Кристчурч кутубхоналари кирди. Мукофот ҳомийси, Systematic компанияси Ооди га 5000 доллар мукофотни тақдим этди. Шу ўринда ушбу кутубхона ҳақида маълумот бериб ўтамиз.

Ооди марказий кутубхонаси Хелсинки шаҳри марказидаги Канзалайстори майдонида барпо этилган. Бу Хелсинки шаҳар кутубхонасининг 37 филиалидан бири саналади ҳамда «Дубулға» («Шлем») кутубхоналар тармоғи сирасига киради.


Ооди Хелсинки шаҳрининг мусиқа маркази бўлиш билан бирга Финляндия зали, Санома уйи ва Киасма замонавий санъат музейи томонидан ташкил этилган маданий ва медиа марказни ўз ичига олади. Ооди парламент биноси рўпарасида жойлашган бўлиб, ҳамма учун очиқ бўлган нотижорат ташкилотдир.

Кутубхонада «Дубулға» тармоғига кирувчи барча жамоат кутубхоналари учун амал қилувчи ягона китобхон гувоҳномаси амал қилади. Унинг афзаллиги шундаки, Оодидан қарзга олинган материал ҳар қандай «Дубулға» кутубхонасига қайтарилиши мумкин.

Дам олиш ва маданий ҳордиқ чиқариш учун Оодига ташриф буюришингиз мумкин. Саёҳат қилишни истаган гуруҳлар учун кутубхона ва унинг хизматлари ҳақида қисқача маълумот берувчи қўлланмалар берилади. Саёҳат тахминан 1 соат давом этади. Бу 95 еврога тушади.

Мамлакатдаги Марказий кутубхона сингари, Ооди ҳам ҳамма учун очиқ бўлиб, аҳолига тегишли жамоат жойи саналади. Ооди кутубхонасининг дизайни турли хил йўллар билан резидентлар ва ҳамкорларнинг фаол иштирокини рағбатлантириш орқали ишлаб





чиқилган. Масалан, 2012 йил Марказий кутубхонани лойиҳалаштириш учун шаҳар аҳолисидан 2 300 дан ортиқ ғоялар тўпланади. Ўша йили кутубхона биринчилардан бўлиб ўз бюджетини текшириб кўради, бу аҳолига тўртта синов тарзида тақдим этилган синовларидан қайси бири 100 000 евро миқдорида маблағ олишини ҳал қилишга имкон беради. Бундан ташқари, Марказий кутубхонанинг номи ҳам шаҳарда яшовчи аҳоли вакилларидан бирининг таклифига асосланди. Бу жараёнда 1600 дан ортиқ аризаларда келтирилган турли номлар очиқ овоз бериш натижасида эълон қилинади ҳамда жамоатчилик вакиллари орасидан шакллантирилган ҳакамлар ҳайъати ғолибни аниқлаб беради.



Ооди профессионаллар кутубхонаси

Оодига профессионал ташрифлар турли хил пакетларга асосланади. Ушбу тематик саёҳатлар кутубхоналарда профессионал қизиқишга эга бўлган гуруҳларга мўлжалланган бўлиб ташрифчиларда катта қизиқиш уйғотади. Шунингдек, гуруҳлар Хелсинки шаҳар кутубхонасидаги бошқа веб-сайтларга ташриф буюришлари ҳақида ҳам билиб олишлари мумкин.

Оодини лойиҳалаштириш жараёнида мижозларнинг энг яхши тажрибасига таяниш мақсадида хизмат кўрсатиш дизайнидан унумли фойдаланилган. Дизайн хизмати бинодаги инвентарлар ва мебелларни лойиҳалашда, шунингдек, кутубхона учун керак бўладиган жиҳозларни жойлаштиришда яхши самара берган. Ҳар бир қават учун зарур бўладиган табиий маҳсулотлар ҳамма вақт ҳамкорлар билан биргаликда муҳокама қилиниб жойлаштирилган.

Кутубхонанинг 1 қаватида турли тадбирларни ўтказиш учун заллар, кафе ва ресторанлар, кинотеатр мавжуд бўлиб Сизга хуш онларни тақдим этади. Энг сўнгги чоп этилган китобларни сотиб олиш имкониятлари ҳам мавжуд.

2-қаватида эса семинар-треннглар ўтказиш учун хоналар, дарс хоналари, кичик гуруҳлари учун хоналар, фото ва видео студия каби хоналар мавжуд.

Юқори қаватда бўлса, дам олиш жойлари мавжуд бўлиб, тўлқинли шифт остида сиз кундалик ташвишлардан халос бўлишингиз, қаҳва ичишингиз ва инсонлар учун жиҳозланган балкондаги манзарадан баҳраманд бўлишлари мумкин. Болалар учун бўлим ҳам шу ерда жойлашган.

Тренинг, иш ва конференция хоналари

Кенг, ёруғ ва тинч, бир сўз билан айтганда, барча қулайликлари билан Ооди узоқ вақт ишлаш, ўқиш ёки офис сифатида ишлаш учун ажойиб жой. Сиз ҳар хил ўлчамдаги хоналарни олдиндан буюрма қилиш орқали ўзингизнинг учрашувларингиз ва машғулотларингизни ташкил қилишингиз ҳам мумкин.

Бу ерда компьютерлар, принтерлар, сканер каби ускуналар ва бепул Wi-Fi тармоғи фойдаланувчилар ихтиёрида.

Ооди марказий кутубхонасининг ривожланиши ва ўзига хос дизайни Хелсинки шаҳ-







ридаги дизайн хизмати соҳасида фикрлаш эволюциясини ўзида акс эттириши билан ҳам аҳамиятлидир. 10 йиллик кутубхонани ривожлантириш жараёнининг муваффақияти Ооднинг машҳурлигида намоён бўлади. 2018 йил декабрь ойи бошида кутубхона очилган кундан бери янги Хелсинки шаҳри Ооди марказий кутубхонасига фойдаланувчиларнинг сони, энг кўпи билан иш кунларида 20 000 дан ошди, бу кутилганидан икки баравар кўп эди.

Ооди директори Анна Мария Сойнинваранинг айтишича, кутубхона очилишидан бир неча ҳафта ўтгач осон бўлмаган. «Бизнинг ресурсларимиз чекланган эди». «Аммо биз бундан 10 йил олдин бошланган ривожланиш жараёнини тез орада давом эттириш ниятидамиз. Ооди бу – дастурчилар учун кутубхона. Бизнинг олдимизга мамлакатдаги барча кутубхоналарни синаб кўриш ва хизмат кўрсатиш вазифаси юклатилган эди», дейди Сойнинвара.

Лойиҳада жамоатчилик иштироки

«Бизнинг марказий кутубхонани лойиҳалашдаги асосий принципимиз фуқароларнинг овози эди», дейди лойиҳанинг етакчи мутахассиси Пирджо Липасти. Лойиҳалаш



2008 йилда кенг миқёсли сўровдан бошланди, ундан сўнг лойиҳаларни режалаштириш босқичи амалга оширилган. Хелсинки кутубхонаси маъмурияти шаҳар кутубхонаси лойиҳаларини саралашда қатнашди ва ходимларни муайян йўналишлар бўйича гуруҳларга ажратади.

2010 йилда жамоатчилик орзулари асосида турли хил ғоялар ходимлар орасида пайдо бўлади. Липасти шундай деб тушунтиради: «Биз фуқароларни туш вақти дарахт соясига жойлаштириб марказий кутубхонага оид фикр-мулоҳазаларини ҳамда орзу-истакларини биз билан баҳам кўришга чорладик. Шундан сўнг дарахтлар соясида омма томонидан 2300 та кутубхона орзуларини тўплашга муваффақ бўлдик».

2012 йилда жамоатчилик орзулари «мегафон овози» орқали давом этди. Таниқли жамоат арбоблари, фуқаролар томонидан аввалги дарахтлар соясида лойиҳалар тақдимоти бўлиб ўтади. Шаҳар кутубхонаси ходимлари жамоат жойларида одамлар билан суҳбатлашиб аҳоли орасида лойиҳага бўлган фикрни шакллантириб боришади.

«Hellon» сервис дизайн агентлиги Ооди мижозларига хизмат кўрсатиш харитасини, яъни Ооди билан мижозларнинг ўзаро муносабатларининг барча таркибий қисмларини визуал равишда намойиш этиб боради.

«Palmu» дам олиш хоналари учун махсус концепцияни ишлаб чиқади. Агентлик мижозлар Ооди билан боғланиш учун фойдаланадиган муҳитдан қатий назар, мижозларга хизмат кўрсатиш сифати ўзгаришсиз қолишини таъминлашга интилди.

«Muotohiomo» дизайн студияси оилаларга хизмат кўрсатишга қаратилган хизматларни тақдим этади.

Ўз-ўзидан пайдо бўлган кўплаб учрашувлар натижасида Хелсинки шаҳрида «Дизайн пойтахти – 2012» деб номланган дизайн танловини юзага келтиради. Марказий кутубхона лойиҳаси ушбу танловнинг энг асосий қисми бўлиб, фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш сифатини ривожлантиришга имкон берадиган янги лойиҳани яратишга қаратилган эди. 2014–2015 йилларда Марказий кутубхонанинг дўстлари кутубхонанинг дизайни билан боғлиқ тафсилотлар устида тинимсиз ишладилар. Улар барча Хелсинки кутубхоналарида фойдаланувчиларнинг овозини эшитишлари керак бўлган кутубхонанинг дўстларига айланишди.

Даврон Мансуров тайёрлади.